

Тошкент автомобиль-йўллар институти

“Педагогика психология” кафедраси

**Махсус мавзу бўйича Ziyonet ахборот таълим тармоғи
учун материал**

**ЎҚИТУВЧИ НУТҚИ –
ШАХС МАЪНАВИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИ**

П.ф.н. Ш.И.Мамараджабов

Тошкент, 2011

Ўқитувчи нутқи – шахс маънавиятини шакллантириш асоси

Ёш авлодга табиатни ва жамиятни ривожланиш қонунларини сингдириш инсонларни маънавий ўзаро муносабатларига оид кўникмаларни эгаллашда ўқитувчи нутқининг аҳамияти бекиёслиги педагогик касбининг кўп асрлик мавжудлиги давомида исботланган ва асосли далилдир.

Аммо, баъзан ўқитувчининг коммуникатив хулқига мос келмайдиган нутқ кўникмалари ҳам учраб туради: албатта баланд овоз, кўпол оҳанг, имконият бермайдиган баҳолаш ва танбеҳлар, талаб қўйишнинг авторитар кўриниши ва ҳоказо. Ўқитувчилик касбига хос бўлмаган бундай сифатларни пайдо бўлишига сабаб нима? Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун бўлажак ўқитувчи нималарни билиши керак? Ушбу саволларга ўқитувчи нутқи нима, уни вазифалари ва хусусиятлари нималардан иборат эканлигини таҳлил қилиш орқали жавоб топишга уриниб кўрамиз. Ўқитувчи нутқи ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш вазифасини бажаришини таъминлаши лозим. Шунинг учун унга нафақат умуммаданий, балки касбий, педагогик талаблар ҳам қўйилади. Ўқитувчи ўз нутқининг ҳам мазмуни, ҳам сифати, ҳам оқибати учун ҳам ижтимоий жавобгарликка эгадир. Айнан шунинг учун ҳам ўқитувчи нутқи уни педагогик маҳоратини муҳим элементи сифатида қаралади.

“Ўқитувчи нутқи” атамаси (“педагогик нутқ”- синоними) қоидага кўра, педагогни оғзаки нутқи (уни ёзма нутқини фарқли равишда)ни назарда тутиб қўлланилади. Оғзаки нутқ деганда сўзлаш жараёнини ўзи, оғзаки баён этишни вужудга келиши билан бирга, бу жарённи натижаси – оғзаки баён этишни ўзи ҳам тушунилади. Ўқитувчини оғзаки нутқи – бу педагог томонидан сўзлаш давомида яратиладиган нутқдир.

Педагог нутқи қуйидагиларни таъминлаши лозим: а)продуктив муносабатни, педагог ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро таъсири;

б) ўқувчилар онги ва сезгисига ўқитувчини ижобий таъсири орқали уларда фаолият мотивлари, ишонч ва ҳаракатни шакллантириши, коррекция қилишни;

в) таълим жараёнида билимларни тўла ўзлаштириш, англаш ва мустаҳкамлашни;

г) ўқувчиларни ўқув ва амалий фаолиятини самарали ташкил этилишини.

“Педагогик нутқ” атамаси билан “ўқитувчини коммуникатив хулқи” тушунчаси узвий боғлиқдир. Бу қандай маънога эга? Ўқитувчини коммуникатив хулқи деганда нафақат сўзлаш, маълумотларни узатиш жараёни, балки ўқитувчини ҳам нутқи, ҳам ўзини хулқ-атвори орқали гуруҳда соғлом психологик муҳитни яратиши имкониятини берувчи ҳолатни ташкил эта олиши ҳам назарда тутилади.

Ўқитувчини коммуникатив хулқини тавсифи учун қуйидаги ҳолатлар: нутқ оҳанги, мулоҳазалардан фойдаланишни асосланганлига, ўқувчиларга мурожаат қилиш усули, уларга жавоб бериш, нутқга мос равишдаги мимика, ҳатти-ҳаракат, имо-ишоралар аҳамиятлидир.

Педагогик нутқнинг коммуникатив хусусиятлари ва шакллари.

Ўқитувчини оғзаки нутқи икки хил кўринишга эга- монолог (монологик нутқ) ва диолог (диологик нутқ). Бу нутқларни ўқувчилар билан ўзаро муомаладаги шакллари турли-тумандир. Кенг тарқалган монологик нутқ шакллари ҳикоя, маъруза, шарҳ, тушунтириш (қоидалар, қонунлар, атамаларни) ҳисобланади. Ўқитувчини диологик нутқи савол-жавоб шаклига асосланган ўқувчилар билан олиб бориладиган турли суҳбат кўринишларидир.

Педагогик вазифаларни муваффақиятли бажаришини таъминлаш учун ўқитувчи нутқи маълум талабларга, яъни олимлар таъбири билан айтганда, коммуникатив сифат талабларига жавоб бериши керак. Шунингдек, педагог нутқини талабга жавоб бериши уни нормативлиги, яъни замонавий адабий тил меъёрларига мувофиқлиги, сўзлардан фойдаланишни аниқлиги, нутқни ифодалилиги талаблари- уни образлилиги, эмоционаллиги, ёрқинлиги билан таъминланади. Умуман олганда педагог нутқини коммуникатив сифатлари: тўғрилиги, аниқлиги, мослиги, лексик жиҳатдан бойлиги, ифодалилиги ва софлиги ўқитувчини нутқ маданиятини белгилайди.

Олимларни педагогик нутқни коммуникатив сифатларига оид ишларига мурожаат этадиган бўлсак, ўқитувчи нутқини идеал моделини яратишимиз мумкин. Бу энг аввало, тўғри, замонавий адабий тил меъёрларига мос, аниқ, тушунарли нутқдир. Ҳар хил кўполлик ва дағалликларни қўлламайдиган нутқ, муомала шартлари ва мақсадларига мувофиқ келадиган, лексик жиҳатдан сержило, бой нутқдир.

Педагогик нутқни вазифалари.

Ўқитувчи нутқидан коммуникатив сифатларига бўлган талаблар энг аввало унинг педагогик вазифалари билан белгиланади. Ўқитувчи нутқининг асосий вазифаларидан бири- билимларни тўлақонли етказиш (узатиш)ни таъминлашидир. Маълумки, ўқитувчи нутқини коммуникатив хусусиятлари билан ўқувчиларни билимларини муваффақиятли ўзлаштириши ва хотирада сақлаб қолиши ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Ўқитувчи нутқи бундай идрокни енгил, қизиқарли қилиши ва аксинча мураккаблаштириши мумкин. Билимларни намойиш этиш билан ўқитувчи нутқини яна бир вазифаси узвий боғланган- ўқувчининг ўқув фаолияти самарадорлигини таъминлаши лозим. Бинобарин, ўқитувчи нутқини тинглаш орқали ўқувчи кўплаб жараёнларни амалга оширади: эшитган маълумотларни кўз олдида гавдалантиради, уни ўзида мавжуд билимлар билан таққослайди, фикрлайди, эслайди, ўқитувчи изоҳини

мантикий ишлайди ва ҳ.к. Бу тингловчи ўқувчининг мураккаб иши бўлиб, уни эътиборга олиш, нутқини ҳам мазмуни, ҳам тезлиги, ҳам оҳанги, мантикий равлонлигини ўйлаб кўриш керак.

Педагогик нутқни навбатдаги вазифаси- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги продуктив ўзаро муносабатни таъминлаши. Бу энг муҳим вазифа бўлиб, у ўқитувчи ва тарбияланувчи ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро таъсирни ўрнатилишига ёрдам беради, қайсики уни асосида таълим ва тарбия амалга оширилади. Айнан соф инсоний муносабатларни характери педагогик мувафакқиятни сезиларли даражада белгилаб беради. Ўқитувчини нутқи ушбу муносабатларни ўрнатилишида бошқарувчилик ролини бажаради.

Бунда ҳамма нарса аҳамиятлидир: ўқитувчи ўқувчига қандай муомала қилиши, уларни қандай рағбатлантириши, ўз талабларини қандай қўйиш, қандай огоҳлантириши, тилаклар билдириши, ўз нутқининг жилоси, қувватловчи оҳанглари қандайлиги, юз ифодаси, нигоҳи, имо-ишораси. Буларни ўқувчини билиш фаолиятига таъсири тўғрисида биз юқорида тўхталиб ўтган эдик.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи шахсида фанга оид ва маънавий билимни шакллантиришда ўқитувчи бевосита бошқарувчи сифатида ўз нутқини доимо ривожлантириб, такомиллаштириб бориши лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, жамиятга билимли, комил шахсни етказишга ўз таъсирини кўрсатиши муқаррардир.

Ёш авлодга табиатни ва жамиятни ривожланиш қонунларини сингдириш инсонларни маънавий ўзаро муносабатларига оид кўникмаларни эгаллашда ўқитувчи нутқининг аҳамияти беқиёслиги педагогик касбининг кўп асрлик мавжудлиги давомида исботланган ва асосли далилдир. Савол туғилади: педагог нутқи омма нутқидан нимаси билан фарқ қилади? Ўқитувчи нутқининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Бинобарин, ўқитувчи энг кўп муомалада бўлади, бутун синфга мурожаат этади, бутун жамоани сўзлаш орқали, нигоҳининг диққати ва синовчанлиги билан бошқаради. “Ўқитувчи нутқи” атамаси (“педагогик нутқ”- синоними) қоидага кўра, педагогнинг оғзаки нутқи (уни ёзма нутқифу фарқли равишда)ни назарда тутиб қўлланилади. Оғзаки нутқ деганда сўзлаш жараёнини ўзи, оғзаки баён этишни вужудга келиши билан бирга, бу жарённи натижаси – оғзаки баён этишни ўзи ҳам тушунилади. Ўқитувчини оғзаки нутқи – бу педагог томонидан сўзлаш давомида яратиладиган нутқдир.

Педагог нутқи қуйидагиларни таъминлаши лозим: а)продуктив муносабатни, педагог ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро таъсирни; б)ўқувчилар онги ва сезгисига ўқитувчини ижобий таъсири орқали уларда фаолият мотивлари, ишонч ва ҳаракатни шакллантириши, коррекция

қилишни; в) таълим жараёнида билимларни тўла ўзлаштириш, англаш ва мустаҳкамлашни; г) ўқувчиларни ўқув ва амалий фаолиятини самарали ташкил этилишини.

Ўқитувчи нутқини ўзига хослиги уни ўқувчиларга йўналтирилганлиги, қаратилганлигидир. Ўқитувчи сўзи доим аниқ нишонга эга- у ўқувчиларни фикрий идроки ва тушунишини ҳисобга олиши билан ажралиб туради. Кузатувчан педагог ўз нутқини тарбияланувчилари қандай акс таъсир кўрсатишини олдиндан кўра билган ҳолда куради. Бу эса, педагогни ўз нутқини анча самарали ташкил этиш, ўзаро муомалада уни сайқаллаштиришга ёрдам беради.

Оғзаки нутқнинг бу хусусиятидан самарали фойдаланиш, ўқитувчига ўқувчилардан ақлий ҳозиржавобликка, ўзаро қайғуриш, ҳамфикрликка, ҳамкорликка чақиришга ёрдам беради. Пировардида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида яқинлашув кузатилади, уларни биргаликдаги фаолияти вужудга келади.

Ўқитувчи нутқини йўналтирилганлиги нимада кўринади? Аввало бу, нима ҳақда гапираётган бўлса, унга нисбатан ўзининг муносабатини қандайлигида, уни самимийлигида кўринади. Ақлли ўқитувчи учун унинг нутқи, болалар билан муомаласи- ўзини ифодалаш, ўзининг маънавий дунёсини кўрсатиш воситасидир.

Ўқитувчи нутқини йўналтирилганлиги уни ўз монологини ўқувчилар билан ички диалог сифатида ўрната олиши, уларни онги, туйғуси, виждонига мурожаати сифатида куриш кўникмасида ҳам кўринади. Унинг нутқида ўзаро ҳамкорликка тўғридан-тўғри чорлаш, шахсий баҳо, мулоҳазаларнинг ифодаси, ҳам эмоционал сўзлар, ифодали оҳанглар ҳам бўлиши мумкин.

Ўқитувчи оғзаки нутқини ўзига хос хусусиятларидан яна бири, уларнинг мазмуни ўқувчилар томонидан икки хил кўринишда қабул қилиниши- товушли (айтилган сўзлар, оҳанг орқали) ва визуал (мимика, имо-ишора, ўқитувчи ҳатти-ҳаракати орқали). Сўзлаётган ўқитувчининг мимиқаси, вазияти, тана ҳаракати унинг нутқининг маъносини, ифодалилигини, эмоционал мазмунини кучайтиради.

Визуал кўриниш ўқувчиларга ўқитувчининг ишчи ҳис-туйғулари, уни ўқувчилар билан муомала қилишга бўлган ҳоҳиш (ёки ҳоҳламаслик) уларга бўлган ҳурмат (ёки ҳурматсизлик) тўғрисида ҳам маълумот беради. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчи ҳали талабалик давридаёқ муомала пайтидаги ташқи кўринишини назорат қилиш кўникмасини ривожлантириши, ўзининг мимиқаси, тана ҳаракати, имо-ишорасининг хусусиятига тингловчилар реакциясини интерпретациялаши муҳимдир.

Ўқитувчининг оғзаки нутқи, қоидага кўра, акс эттирувчи нутқдир. Унинг ўзига хослиги ҳам шундадир. Ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи ҳар доим дарсликдаги матн ёки маъруза матнига бевосита таянмасдан гапиради. Ўқитувчи уни тинглаш билан сўзлар ва фикрларнинг гўёки ўша

дақиқада туғилишида иштирок этаётгандек ҳис қиладилар. Гўёки ўқитувчи намоишкорона фикрлаётгандек, ҳақиқатни ўқувчилар билан ҳамкорликда очаётгандек туюлади. Бунда ўқитувчи нутқи учун керакли сўзларни топишдаги маълум тўхталишлар; нутқ ва уларни ўрнига қўйишдаги тезлигининг дам ўсиши, дам секинлашиши, ўз олдига савол қўйиши ва уларга жавоб излашдаги музокарани боришини намоиш этиш кабилар характерлидир.

Акс эттирувчи нутқ- кўп маъноли тушунчадир. Баъзи вазиятларда бу ўқитувчи томонидан олдиндан ўйланган бўлсада, ўқитувчи уни “шу дақиқада” келтирганидек кўрсатиш мумкин. Бу ёзилган конспектни сўзма-сўз баён этиш, уни эслатиш, олдиндан ёдланганни ифода этиш эмас, балки сўзлаш давомида вужудга келтирган ҳақиқий эркин ифодалаш бўлиб, ундаги мазмун, унинг мантиқи, оҳанги, нутқий усули тайёргарлик жараёнида эътиборга олинган бўлади. Бунда ўқитувчига хос бўлган руҳий ҳолат ҳам мавжуддир.

Бўлажак ўқитувчининг нутқини такомиллаштириш йўллари

Талабаларни ўз нутқини такомиллаштириш бўйича мустақил ишларни бир неча йўналишларга ажратиш мумкин: нутқ маданиятини ривожлантириш ва ўз-ўзини назорат; нутқий муомалада барча вазиятларда ҳақиқий адабий тилдан фойдаланиш шароитларини яратиш. Гап шахснинг нутқ маданияти даражасини ўрганиш ва ошириш тўғрисида кетар экан, бу ерда асосий диққатни тилнинг тўғрилиги масаласига (унинг замонавий адабий тил меъёрларига мувофиқлиги – урғу, талаффуз, сўз ясаш ва бошқа меъёрлар) ва унинг софлигига аҳамият бериш зарур. Бунда луғатлар билан ишлаш катта ёрдам беради.

Нутқингизни ўзига хослигини ўрганинг: сўзларнинг тўғри талаффуз қиляпсизми, урғуни тўғри қўяпсизми? Сизни нутқий бойлигингиз қай даражада ёки ўз фикрингизни аниқ баён этишга қийналаяпсизми? Олинган маълумот сизга нутқий тайёргарлигингиздаги заиф ўринларни аниқлашга ёрдам беради, адабиётлар билан ишлаш, машқлар қилиш эса уларни бартараф этишга ёрдам беради. Муомаланинг турли вазиятлари учун адабий тилга эгалик қай даражадалигини аниқлаш муҳимдир- нафақат ишбилармонлик масалаларини ҳал этишда, ўқитувчилар билан муомалада, балки тенгдошлар, ота-оналар билан муомалада ҳам.

Ифодали нутқ кўникмасини ривожлантириш ва назорат қилиш

Ўзингизни нутқий оҳангизни кузатинг. У қанақа – жонли, ранг-баранг, эмоционал жихатдан жозибали ёки ўзгармас ва бир хил? Муомалани турли шароитларда, вазиятларда нутқингизни ўзгариши қай даражада?

Омма олдидаги чиқишларнингизга тайёргарлик кўришда қуйидаги саволларга жавоб топишга уриниб кўринг: тингловчиларда қандай

фикрлашни вужудга келтирмоқчиман? Аудиторияда қандай кайфиятни ҳосил қилмоқчиман? Менинг чиқишимнинг мазмуни ва шароити қандай нутқ тезлиги ва оҳангини талаб қилади? Ўз чиқишингизни баён этиб кўринг.

Ўз фикрингизга бадиий адабиётдан намуналар, шахсий баҳо ва таассуротларингизни киритган ҳолда сайқал беришга уриниб кўринг. Аммо буни ҳаққоний ва табиий чиқишига ҳаракат қилинг.

Хулоса қилганда, ўқитувчининг нутқи шахс маънавиятини шакллантиришда ўзига хос таъсирга эгалигини таъкидламоқчимиз. Бу эса бўлажак ўқитувчилар олдига ўз нутқини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифасини қўяди. Шунингдек, бўлажак муҳандис-педагоглар тайёрлаш жараёнида ушбу вазифани ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.